

Курилишни техник назорат қилиш бўйича консалтинг хизматларига Қизиқиши Билдиришни (ҚБ) тақдим этиш учун эълон

Лойиха сони	53312-001-UZB
Лойиха номи	4Р105 "Дарбанд – Бойсун – Элбаён" автомобиль йўлининг 5 – 70 км қисмини ва 4Р100 "Манғузор – Жарқўргон – Бандиҳон – Олтинсой – Денов" автомобиль йўлининг 128 – 174 км қисмини реконструкция қилиш лойиҳаси (National Road Development Project)
Топшириқнинг номи	Курилишни техник назорат қилиш бўйича Консультант
Лойиха жйолашган давлат	Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси томонидан Осиё тараққиёт банки (ОТБ) маблағлари ҳисобидан Сурхондарё вилоятининг 106,4 км узунликдаги 4Р105 "Дарбанд – Бойсун – Элбаён" автомобиль йўлининг 5 - 70 км қисмини ва 4Р100 "Манғузор – Жарқўргон – Бандиҳон – Олтинсой – Денов" автомобиль йўлининг 128 - 174 км қисмини цемент-бетон қопламали йўлга ўтказган ҳолда реконструкция қилиш лойиҳасини молиялаштириш сўралган. Ушбу маблағнинг бир қисми қурилишни техник назорат қилиш консультант шартномаси тўловларига йўналтирилади.

Консалтинг хизматлари ("Хизматлар") қурилишни техник назорат қилишни ўз ичига олади. Консалтинг хизматлари лойиҳанинг ишчи хужжатларини кўриб чиқиш ва якуний "қурилиш учун берилган" чизмаларни текшириш, сифат ва миқдор бўйича, қурилиш шартномалари бўйича барча ишларни назорат қилиш ва сертификатлашни ўз ичига олади, ҳамда хизматлар қурилиш шартномалари бўйича бошқарув ва фойда, хизматлар мониторинги ва баҳолашни 30 календарь ой давомида ва 24 календарь ой давомида (ходимлар сони қисқартилиган ҳолда) қурилишга берилган кафолат даврида тақдим этилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ОТБга аъзо давлатлардан бўлган консалтинг фирмаларни ("Консультантлар")

курилиш ишларини техник назорат қилиш бўйича хизматларни кўрсатишга қизиқиш билдиришни тақдим этишга таклиф қиласди. Қизиқиш билдирадиган Консультантлар хизматларни бажариш учун зарур малакага ва тегишли тажрибага эга эканликларини кўрсатувчи маълумотларни тақдим этишлари лозим.

Хизматлар ҳақида батафсил маълумот ОТБнинг CSRN (www.csrn.adb.org) сайтига илова қилинган Техник топширикда берилган.

[Батафсил маълумотлар \(.pdf форматида юклаб олиш\)](#)